# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 40 (8.775) ◆ 1996 йил ◆ 5 апрель, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*Ноёб иншоотлар қурилишида*

## ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ МУЗЕЙИ ҚАД РОСТЛАЯПТИ

***Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда Темурийлар тарихи давлат музейини лойиҳалаш ва қуришга алоҳида эътибор берилган.***

Шу муносабат билан шаҳримизнинг Амир Темур хиёбони ёнида қад кўтараётган музейда бўлиб, у ерда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан яқиндан танишдик.

Ўтган йилнинг октябрь ойида бошланган мазкур музей қурилишида шу кунларда қурилиш-тиклаш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Жорий йилнинг июнь ойигача асосий қурилиш-тиклаш ишларини ниҳоясига етказишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган «Турон» акционерлик жамиятининг «Пардоз» бўлинмаси қурувчиларининг қўллари қўлларига тегмайди.

— Иш уч сменали ташкил этилган, — дейди участка бошлиғи Равшан Хўжаев. — Қурувчиларимиз об-ҳавонинг инжиқликларига, баъзи бир ноқулайликларига қарамай, зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Бугунги кунгача музейнинг пойдевори — ертўласи, биринчи ва иккинчи қаватларидаги қурилиш-монтаж ишлари кўнгилдагидек бормоқда. Пойдевор, ертўланинг 90 фоиз иши бажарилди, биринчи, иккинчи қаватларнинг ҳамда музейнинг бош кириш қисми, яъни зинапояларнинг 30-40 фоиз ишлари ниҳоясига етган. Бир вақтнинг ўзида ҳам бетон қуйиш, ҳам металл устунларни тиклаш, ғишт териш каби юмушлари аниқ режа асосида амалга оширилмоқда. Тўйтепа металл конструкция заводи 750 тоннача металл, Тошкент вилоятидаги темир-бетон заводлари (асосан 9-темир-бетон заводи) 5500 кубометр бетон, Олмалиқ ғишт заводи эса узлуксиз ғишт етказиб турибди.

— Кўпроқ қайси бригадаларда қурувчилар фаолроқ ишлаяптилар дейиш мумкин?

— Деярли ҳамма ўз иш ўрнида, ўз вақтида топширилган вазифаларни сидқидилдан бажармоқда. Бизнинг жамоамизда фидойилар ишлашади. Ҳақиқатан ҳам ишда жонбозлик кўрсатаётганларга келсак, булар сирасига Саид Асқаров, Владимир Цой, Сергей Вашенко, Тоҳир Сафоев, Альбина Миммрик раҳбарлик қилаётган бригада аъзоларини киритиш мумкин.

— 5100 квадрат метр майдонни эгаллаган бу Темурийлар тарихи давлат музейи режа бўйича айлана шаклида бўлиб, нафис санъат даражасида жиҳозланади. Нақшинкор устунлари, маҳобатли гумбазлари темурийлар даврини ёдга солмай қўймайди, — дейди биз билан суҳбатда уста Абдуқаҳҳор Усмонов. — Ертўласининг ўзида 70 та хона бор. Биринчи қаватда эса, 25 та катта-катта кўргазма хоналари бўлади. Иккинчи қаватда ҳам шундай кўркам, бири-биридан жилоли, кенг ва ёруғ хоналар бўлиши кўзда тутилган. Музейни июнь ойигача топширсак, қисқа вақтда безаш ва жилолаш ишлари бошланиб кетади. Мазкур музей республикамиз мустақиллигининг 5 йиллик тўйига туҳфа қилиниши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам барча қурувчиларимиз бинони тезроқ қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш муддатларини қисқартириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳа, соҳибқирон Амир Темур учун қурилаётган бино лойиҳасининг мукаммаллиги, қурувчиларнинг заҳматли меҳнатларидан ҳам билиниб турибдики, мазкур музей нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона энг йирик тарих музейи бўлиб қолади.

Зокир ТУРҒУНОВ.

*Пай-эгалик кафолати*

## ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА ЎТИЛГАЧ

***Бозор иқтисодиётининг энг муҳим босқичларидан бири бу — давлат корхоналарини хусусийлаштириш, ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ҳамда чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритишдан иборатдир. Бу жараён шаҳримизда кенг кўламда амалга оширилмоқда. Фикримиз исботини «Электрсигнал» ҳиссадорлик жамияти мисолида кўришимиз мумкин.***

Жамият таркибида 347 нафар пайчи мавжуд. Улар асосан электр узатиш кабеллари ва телефон симларини ишлаб чиқаришади. Ҳозирги кунда сигналчилар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар Россия Федерацияси ва Ҳамдўстлик давлатларининг кўплаб шаҳарларига жўнатилмоқда. Бунинг эвазига эса у ердан энг зарур бўлган хом ашё олиб келиниб, янада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замин яратилаётир.

— Ҳиссадорлик жамиятига ўтгач, ишчиларнинг ишга, хизматчиларнинг ишчиларга, умуман одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати мутлақо ўзгарди. Айниқса кўп йиллардан буён меҳнат қилган ишчиларга тарқатилган имтёзли акциялардан кейин қимматли қоғозларга бўлган талаб кучайди,— дейди жамият бошқарувининг раиси Яминжон Раимов. — Бундан ташқари ишчиларда чиқарилаётган маҳсулотнинг эртанги куни ҳақида қайғуриш туйғуси ортди. Шунинг учун ҳам бўлса керак 1995 йил сентябрь ойида корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, биринчи ярим йилликда 16,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Иккинчи ярим йилликда эса 21,7 миллион сўмлик. Қаранг,рақамларнинг ўзи ишлаб чиқаришда ижобий силжиш бўлганлигидан далолат бериб турибди. Пайчиларга тўланаётган ойлик маошларда ҳам меҳнатга яраша ўсиш бўлди. Июль ойида ҳар бир ишчи ўрта ҳисобда 1248 сўм олган бўлса, декабрь ойига келиб 2996 сўмдан олишди. Ҳали олдинда олинган акциялари учун тўланадиган дивидендлар турибди.

Ишчиларимизнинг яхши меҳнатлари эвазига ижтимоий ҳимоя мақсадида 1,5 миллион сўмни сарфладик. Тўғри, бу борада муаммоларимиз ҳам бор. Масалан ишчиларни уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳал эта олмаяпмиз. Ўйлайманки, келгуси йилларда бу масала ўз ечимини топади. Олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Бу ҳам бўлса кўпроқ асосий маҳсулотни ишлаб чиқарадиган хом ашёни юртимизга олиб келтириш. Бу хом ашёлар полиэтилен, каучук бўлиб, уни кўп вақтдан буён собиқ иттифоқ шаҳарларидан олиб келар эдик. Бундан кейин шартнома асосида хорижий мамлакатлардан ҳам олиб келиш режасини тузяпмиз. Шунингдек яратган янги бир маҳсулотимиз кабелнинг янги туридир. Бу маҳсулотдан кўп миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб олсак, уни сотиб оладиган харидорлар тайёр туришибди. Улар Германия, Япония ва Туркия давлатларидаги мижозлардир. Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бирмунча мураккаб бўлганлигини ҳисобга олиб, «Ўзбеккабель» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда уни тайёрлаш шартномасини тузиб олдик.

Корхонада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-ходим ҳозирги кун талаби асосида ишлашга ҳаракат қилмоқда. Шу боисдан ҳам рационализатор ва ихтирочилар кўмаги асосида мис, алюминни маълум ҳароратда юмшатиш дастгоҳи яратилди. Бу дастгоҳ яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Мутасаддиларнинг фикрича дастгоҳлар ҳажми кичкина бўлгани билан улар корхона ҳисобига фойда келтириши кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқаришда узлуксиз ҳаракат, кураш, изланиш бўлмаса унда ривожланиш ҳам бўлмайди. Сигналчилар бугунги кунда фақат изланиш билан чекланмай, бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш унумдорлигини ҳам ўстириб бормоқда. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги кун талаби ҳамда ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаш энг тўғри йўл экан.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон чиқарди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан Эркин Ҳайитбоев пенсияга чиққани муносабати билан маданият ишлари вазири вазифасидан озод қилинди.

❑ Бугун Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Бош вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш режаланган.

❑ Кеча Вазирлар Маҳкамасида Амир Темур номидаги халқаро жамғарма бошқарувининг мажлиси бўлиб ўтди.

❑ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг йиғилишида деҳқончилик-саноат мажмуи олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

❑ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Самарқанд отряди Самарқанд — Бухоро — Урганч йўналиши бўйлаб самолётлар қатновини йўлга қўйди.

❑ «Андижон» агрофирмасига қарашли консерва корхонасида Жанубий Корея билан ҳамкорликда ҳар сменада 40 минг пакет шарбатларни қадоқлаш қувватига эга линия ишга тушди.

❑ Кеча Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасида замонавий Олимпия ўйинларининг юз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

❑ Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Конрад Аденауэр фонди томонидан Тошкентда ўтказилган семинарда ҳозирги даврда аёлларнинг жамиятдаги роли тўғрисида гап борди.

❑ Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсупов туманида 350 томошабин ўрни бўлган теннис корти қуриб битказилди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия Президентлигига яна икки номзод — Михаил Горбачев ва Григорий Явлинский талаб қилинган 1 миллиондан кўпроқ сайловчилар имзоларини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этдилар. Бу рўйхатлар текшириб чиқилгандан сўнг улар расмий равишда Президентликка номзод сифатида рўйхатга олинадилар.

❑ Душанбеда бўлиб ўтган Ҳамдўстлик мамлакатлари махсус маҳкамалари раҳбарларининг кенгашида уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш учун мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор қилинди.

❑ Бугундан бошлаб Тожикистонда 28 мартда отиб ўлдирилган Россия жамоатчилик телевидениесининг мухбири Виктор Никулин хотирасига ҳалок бўлган журналистлар хотираси ҳафталиги ўтказилмоқда. Бу ҳафталик давомида Тожикистондаги журналистлар ўз нашрларини чиқаришни тўхтатиб туришга қарор қилганлар.

### ХОРИЖДА

❑ Франция Президенти Жак Ширак Яқин Шарққа расмий ташрифини Ливандан бошлади.

❑ Софияда минглаб кишилар яқинда Россия Президенти Борис Ельциннинг Болгария ҳам Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган шартномага қўшилиши мумкин деган баёнотига норозилик билдириш мақсадида намойишга чиқдилар.

❑ Европа Иттифоқи Кенгаши олти ҳафта давомида Англиядан мол гўшти ва мол гўштидан тайёрланган маҳсулотларни мутлақо харид қилмасликка қарор қилди. Ана шу муддатдан сўнг махсус ветеринарлар комиссияси мол гўшти харид қилиш-қилмаслик масаласини яна кўриб чиқади. Англия қутуриш касалига чалинган 4,8 миллион бош қорамолни йўқ қилишга рози бўлди. Бу Буюк Британия фермерларига 3 миллиард фунт стерлинг зарар келтиради. Ана шу маблағнинг бир қисмини Европа Иттифоқи ўз ҳисобидан қоплашга розилик берди.

❑ Малайзияда Ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш олиб борган Осиё қитъасининг 8 миллий терма жамоасидан Жанубий Корея, Япония ва Саудия Арабистони футболчилари Атлантага йўлланмани қўлга киритдилар.

❑ Миср Сувайш канали устидан узунлиги 360 метр, баландлиги салкам 25 метр бўлган кўприк қуришни мўлжалламоқда. Исмоилиянинг шимолроғидаги Ферлан шаҳарчаси яқинида бунёд этиладиган бу кўприкда тўрт қатор автомашиналар ва бир қатор поезд йўли бўлиши кўзда тутиляпти. Каналдан ўтадиган кемалар катталиги ҳисобга олиниб, кўприк икки томонга очиладиган бўлади.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ •

## МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИНИ МАЪҚУЛЛАДИЛАР

Россия парламенти қуйи палатаси — Давлат Думасининг шу йил 15 март куни қабул қилган, ўз мазмун-моҳияти билан, собиқ Иттифоқни қайта тиклашга қаратилган қарорлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг интеграциясини чуқурлаштириш байроғи остида рўй бераётган воқеалар ҳамда Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу масалада тутган йўли мамлакатимиз жамоатчилиги, халқимиз томонидан қизғин муҳокама этилмоқда.

Шаҳару қишлоқлар, меҳнат жамоаларию ўқув юртлари, маҳаллаларда ўтаётган мулоқотларда фуқароларимиз мазкур долзарб муаммога муносабат билдириб,мустақиллигимизга кўз олайтираётганларни қаттиқ қораламоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоасининг куни кеча ўтказилган умумий йиғилиши худди шундай руҳда ўтди. Унда маъруза қилган институт директори А. Жалолов, ҳуқуқ фанлари докторлари, профессорлар — М.Файзиев, У.Чориёров, фалсафа фанлари доктори Б.Тўраев, фалсафа фанлари номзоди А.Маннопов ва бошқалар Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида баён этилган, Ҳамдўстлик мамлакатлари интеграцияси масаласидаги нуқтаи назарини якдиллик билан маъқулладилар. Йиғилишда, шунингдек, Россия Давлат Думаси номақбул қарорларининг нима мақсадда қабул қилингани ҳамда уларнинг зарарли моҳиятини, айни пайтда, республикамиз ҳукуматининг интеграция масалаларига ёндошуви аҳамиятини фуқароларга тушунтиришда фаол иштирок этиш билан бирга, шу йўналишлардаги илмий изланишларни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Собир ШЕРАЛИЕВ.

## ДАСТГОҲ СОЗ БЎЛСА...

«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти — улкан корхона. Бу ерда ип эшиб, ғалтак қилиб ўрашдан тортиб, хилма-хил матолар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнда юзлаб операциялар бажарилади. Албатта, бу юмушларнинг бирортасини ҳам мураккаб тўқимачилик дастгоҳларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бир неча йиллар бурун комбинатда асосан Россияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар қўлланилар, асосий эътибор маҳсулот сифатига эмас, миқдорига қаратилган эди. Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги даврда бундай ишлаб чиқариш ҳеч кимга фойда келтирмаслиги аён. Шунинг учун ҳам бу ерда чет элларда ишлаб чиқарилган энг замонавий тўқимачилик дастгоҳларини ўрнатишга катта эътибор қаратилмоқда. Аллақачон муддатини ўтаб бўлган эски, чанг чиқарадиган ва шовқинли дастгоҳларни янги, замонавийсига алмаштириш албатта, катта қулайлик яратади. Аммо бу жараёнда ҳам шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳозир кўплаб мамлакатларда хилма-хил тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб чиқарилади. Бинобарин уларнинг барчаси билан танишиб, энг мукаммалларини танлаш имконияти мавжуд. Шу мақсадда ҳозир комбинатнинг цехларида Япониянинг «Тойота», «Ниссан», «Цудакома», «Тодо», «Мурата», АҚШнинг «Барбер — Колман», «Устер», Италиянинг «Савио», Швейцариянинг «Бекингер», Чехословакиянинг «Аутфсук» ва бошқа кўплаб фирмаларда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар ишлаб турибди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

## МУРОЖААТНОМА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим

Муҳтарам юртдошлар ва азиз ватандошлар!

Бугунги кунда жаҳон сиёсий саҳнасида Россия давлат Думасининг шу йил 15 мартда қабул қилган собиқ Иттифоқни тиклаш ва Беловеж ўрмонида имзоланган аҳдномани бекор қилишга қаратилган мантиқсиз ва ақл бовар қилмайдиган қарори катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Бу қарор миллий истиқлолни муқаддас билган барча халқларнинг ҳақли норозилигига дуч келмоқда.

Биз, Ўзбекистон мусулмонларининг намояндалари, ватанимиздаги барча ислом аҳлининг фикр-мулоҳазаларини тўла ифода қилган ҳолда том маънодаги ҳур ва эркин фуқаролар сифатида собиқ иттифоқни қайта тиклашга уринаётган бир гуруҳ кимсаларнинг номаъқул хатти-ҳаракатлари ҳамда бефойда уринишларини мутлақо қоралаймиз. Биз аминмизки, Думанинг бу ноқонуний ҳужжати буюк Россия ўлкасида истиқомат қилаётган кўп миллатли истиқлолпарвар халқларнинг, жумладан биз билан бир диндаги биродарларимиз азму қарорининг ифодаси эмас, албатта. Уни муайян шахсларнинг Россияда бўлажак президент сайлови олдидаги сиёсий ҳийлаю найрангларидан ўзга нарса эмас, деб англамоқ керак. Биз даҳрийлик мафкураси ҳукмрон бўлган жамиятда яшаб кўрдик. Унинг миллий қадриятларимиз, имону эътиқодимиз, эркимизни қанчалик поймол қилганини, таҳқирлаганини ва топтаганининг гувоҳи бўлдик. Биз инсоний ҳақ-ҳуқуқлар оёқ ости қилинадиган ҳаётга қайтишни ҳеч қачон истамаймиз. Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, миллий истиқлол туфайли унут бўлаёзган маънавиятимиз ва шарқона ахлоқу одобимиз қайтадан тикланмоқда.

Шу муносабат билан қиёслаш учун бир мисол келтиришни жоиз деб биламиз. Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон ҳудудида 70 та масжид, юз нафар толиби илм ўқийдиган иккита мадраса мавжуд бўлиб, Ҳаж маросимини адо этиш учун эса Ўзбекистондан атиги 4-5 нафаргина мусулмон Маккаи мукаррамага борар эди, холос. Ўзбекистон истиқлолга эришгунга қадар бирор мусулмон «Умра» маросимини адо этган эмас.

Эндичи, истиқлол шарофати ила мамлакатимиз ҳудудида минглаб масжидлар диний ибодатларимизни адо этиш учун хизмат қилмоқда. Диний мадрасалар ишлаб турибди. Хорижий мамлакатларда талабаларимиз ўқияпти. Бу йил 3500 нафар юртдошларимизни Ҳаж сафарига жўнатиш арафасидамиз. Улар учун Президентимиз ғамхўрликлари туфайли барча қулайликлар яратилган. Ҳар йили бир неча минг мусулмон «Умра»га бориб келаётир. Диний китоблар — Қуръони карим, Ҳадиси шариф тўпламлари ва бошқа исломий адабиётлар мусулмонлар ўртасида бемалол тарқатилмоқда. Булар истиқлол берган диний соҳадаги неъматларнинг бир томчисигина, холос. Ўлкамизда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жабҳаларда амалга оширилаётган мислсиз ислоҳотларни бир сўз билан ифодалаш қийин.

Биз, Ўзбекистон мусулмонларининг намояндалари, Аллоҳ таолонинг: «Аллоҳга, унинг пайғамбарига ва ўзингиздан чиққан раҳбарингизга итоат этинглар» (сура «Ан-нисо», оят 59), деган сўзига амал қилиб, барча юртдошларимизни Россиядаги бир ҳовуч сиёсатдонларнинг қарорини қоралашга ва истиқлолимиз раҳнамоси — муҳтарам Президентимиз олиб бораётган Ватанимизнинг буюк келажаги йўлидаги саъй-ҳаракатларни астойдил меҳнат ва собитқадамлик билан қўллаб-қувватлашга даъват этамиз.

***Ушбу мурожаатнома имом ал-Бухорий номидаги ислом маъҳадида бўлиб ўтган Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар ва толиби илмлар йиғилишида қабул қилинди.***








*Ҳамшаҳарлар, сизлар учун*

## ЯНА БИР «ИССИҚ НОН» КОРХОНАСИ

«Олой» бозори шаҳримиздаги энг йирик савдо-сотиқ марказларидан бири. Бу ерга бир кунда минг-минглаб одам келиб-кетади. Пойтахтимизга келган хорижий меҳмонлар ҳам ушбу машҳур бозорда бўлишни исташади. Лекин бу жойда нон ишлаб чиқариш корхонаси ва йирик нон дўконлари йўқ эди. Борлари эса кичик, унинг устига эски усулда қурилган бўлиб ҳозирги замон талабига жавоб бермасди.

Кўпчилик истагини ҳисобга олиб бозор ёнида новвойхона қурилиши учун жой ажратилди. Олдинги ошхона ва кичик нон цехи ўрнида қад кўтарадиган бу мажмуанинг лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Лойиҳа мутахассислар муҳокамасидан ўтгач, ўтган йил декабрь ойи бошларида бу ерда йирик новвойхона қурилиши бошлаб юборилди. Каттагина майдонни эгаллаган икки қаватли бино қурилиши «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Сифат» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари зиммасига юклатилган. Мажмуада қурилиш-тиклаш ишлари шу йилнинг охиригача тугалланиши кўзда тутилган бўлса-да қурувчилар бу муддатни қисқартириб, бинони Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг беш йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллаб туришибди.

— Кўриб турибсизки, оралиқ муддат яқин, — дейди бизга қурилиш бригадири Александр Князов. — Шунинг учун ғайратга ғайрат қўшиб ишлаяпмиз. Агар қурилиш материалларидан танқислик сезилмаса эди, ҳозиргидан ҳам кўпроқ натижага эришишимиз мумкин эди.

Шу кунларда мажмуада тиклаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Қурилиш мутасаддилари бунёдкорлар учун зарур бўлган материаллар таъминотини ўз вақтида ҳал этишга бош-қош бўлиб туришибди. Шунинг учун ҳам қисқа вақт ичида қурилиш бўй кўрсатиб қолди. Ҳадемай унда пардозлаш юмушлари бошлаб юборилади. Қурувчилар билан бир қаторда бинонинг биринчи қаватида жойлашадиган асосий цехда пайвандчилар иш бошлаб юборишди. Улар ер ости коммуникация, иссиқлик қувурларини пайванд қилиш билан банддирлар.

— Умуман ушбу «Иссиқ нон» корхонаси 1-нон заводига қарашли бўлгани учун кўпгина ташкилий юмушларни бажариш бизнинг зиммамизга юклатилган, — дейди нон заводи директори Асқар Саитов. — Олдиндан айтиб қўяй ушбу корхона шаҳримиздаги энг йирик ва намунали «Иссиқ нон» мажмуаларидан бири бўлади. Бу ерда ўз касбининг усталари бўлган новвойлар ишлашади. Ҳозирги ҳисоб-китобларимизга кўра корхонада 80 та новвой ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатади. Бинонинг биринчи ва иккинчи қаватидан иккита йирик нон дўкони ўрин олади. Улар ёрдамида бир кунда 35-40 минг мижозлар иссиқ нон билан таъминланадилар. Кунига 10 тонна булка нонлар тайёрланади. Икки тонна 25 турдаги нон маҳсулотлари дўкон пештахталарини тўлдиради. «Иссиқ нон» корхонасига бир йўла иккита «Винклер» печи ўрнатилади. Хуллас бу йил Мустақиллик байрами тантаналари арафасида ҳамшаҳарларимизга ўз эшикларини очадиган кўплаб қурилиш мажмуалари қаторидан бизнинг «Иссиқ нон» корхонамиз ҳам муносиб ўрин олади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

***СУРАТЛАРДА:** қурилишдан лавҳалар акс эттирилган.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

## МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС — ҲАММА ЖОЙДА ЗАРУР

Юртимизнинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларининг кучайиши, кўплаб қўшма корхоналарнинг тузилиши туфайли энг замонавий алоқа воситаларига эҳтиёж ҳар қачонгидан кучли бўлмоқда. Бу жараённи юқори малакали алоқа ходимларисиз тасаввур этиш қийин. Тошкент алоқа коллежи алоқа тизимлари хизмати бўйича ҳар йили 500 нафар кичик муҳандислар тайёрлаб беради. Ушбу ўқув юртини тамомлаган ёш мутахассислар ўз соҳалари бўйича ишга жойлашишда қийналмасликлари учун коллеж раҳбарияти ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Чунончи, барча вилоятлардан алоқа хизмати бўйича масъул мутасаддилар ўқув юртига таклиф этилиб, бу ердаги илм олиш, касб эгаллаш шароитлари, савияси билан яқиндан таништирилмоқда. Коллежда талаб даражасидаги компьютер, ўқув ва амалий машғулотлар хоналари мавжуд. Ташриф буюрувчилар коллеж талабалари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг билим, қобилият даражалари, яъни рейтинг кўрсаткичлари билан ҳам танишишлари мумкин. Шундан сўнг битирувчи ёш мутахассислар билан шу ернинг ўзидаёқ келгусидаги меҳнат шартномаси учун замин яратилади.

Баҳодир ҲАСАНОВ.




*Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби*

# ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

***Қимматли қоғозлар ҳақидаги саволларга «Женерел пул» сармоялар бозори қатнашчилари ўзаро тараққиёт корпорацияси очиқ турдаги акционерлик жамиятининг президенти Шомансур АЪЗАМОВ жавоб беради:***

**— Банк сертификатлари нима?**

— Банк сертификати — бу банкнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятидир. Банк сертификатининг бу муҳим афзаллиги уни инфляция шароитида инвесторни жалб қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Унинг инфляция суръатлари билан ҳам ўлчовлиги, қисқа муддатлилиги, ликвидлиги ва юқори даромадлилиги унинг эгасига сармоясини ўстира олмаган тақдирда, ҳеч бўлмаганда бу сармояни аввалги миқдори даражасида сақлаб қолиш имконини беради.

Банк сертификати — бу муддатли қарз мажбурияти бўлиб, у 30 кундан 1 йилгача бўлган муддатларга чиқарилади (одатда: 3, 6, 9 ёки 12 ойга). Унинг муомалада юриш муддати 1 йилдан ошиши ва 3 йил билан чегараланиши мумкин. Агар сертификат бўйича қўйилган депозит ёки жамғарманинг қайтиб олиниши белгиланган муддатдан чиқиб кетган бўлса, унда бу сертификат унинг эгаси томонидан хоҳлаган вақтда банкдан қўйилган пул миқдорини қайтариб олиши мумкинлигини талаб қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга айланади. Бунда бу сертификат бўйича унинг эгасини биринчи талабига мувофиқ банк сертификатда кўрсатилган суммани дарҳол тўлашга мажбурдир.

Банк сертификатларининг турларини қуйидаги белгиларга асосан хилларга ажратиш мумкин:

Биринчи хил, пул қўйовчилар тури белгиси бўйича қуйидаги банк сертификатлари турларидан иборат бўлиши мумкин:

— жамғарма сертификати, унинг эгаси жисмоний шахс бўлиб, эмитент — банкнинг унга жисмоний шахс томонидан нақд пул кўринишида қўйилган жамғармалар бўйича тўлов мажбурияти;

— депозит сертификати, унинг эгаси юридик шахс бўлиб эмитент — банкнинг унга юридик шахс томонидан қўйилган депозитлар бўйича тўлов мажбурияти.

Депозит сертификатларини олди-соттиси ва фоиз даромадлари суммасини тўлаш бўйича ҳисоб тўловлари фақат пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

Иккинчи хил, муомалага чиқарилиши шаклий кўриниши белгиси бўйича қуйидаги банк сертификати турларидан иборат бўлиши мумкин:

— қоғозли кўринишдаги (нақд пул ҳужжати кўринишидаги) банк сертификатлари;

— эмитент — банкларнинг махсус депо ҳисоб рақамларида махсус ёзувлар кўринишида (бошқача қилиб айтганда қоғозсиз кўринишда) мавжуд бўлган банк сертификатлари.

Учинчи хил, қарз муддатлари белгиси бўйича, қуйидаги банк сертификати турларидан иборат бўлиши мумкин:

— эгаси томонидан фақат белгиланган вақтдагина депозитга қўйилган пул маблағи талаб қилиниши мумкин бўлган муддати белгиланган банк сертификатлари;

— эгаси томонидан ихтиёрий вақтда депозитга қўйилган пул маблағи талаб қилиниши мумкин бўлган муддати белгиланмаган банк сертификатлари.

Тўртинчи хил, муомала ҳаракатини ҳисобга олиш (қайд қилиш) белгиси бўйича, қуйидаги банк сертификати турларидан иборат бўлиши мумкин:

— тақдим этувчига тегишли банк сертификатлари;

— эгасининг исми ёзилган банк сертификатлари (цессияли банк сертификатлари).

Цессия — бу эгасининг исми ёзилган банк сертификати бўйича талаб ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома бўлиб, уни масъул шахс томонидан банк сертификатлари билан боғлиқ амалларни бажариш учун ваколатланган икки шахс имзолайди ва масъул шахс муҳри билан тасдиқланади.

Банк сертификати бир неча маротаба ўз эгасини ўзгартириши мумкин. Шунинг учун ҳам цессиялар бир нечта бўлади. Ҳар бир цессия цедент (цессия тузувчи) томонидан номерланади ва сана қўйилади.

Бешинчи хил, чиқарилишни ҳисобга олиш (қайд қилиш) усули белгиси бўйича, қуйидаги банк сертификати турларидан иборат бўлиши мумкин:

— чиқарилиши махсус қайд қилиш (регистрация) китобида ёзиб борилувчи қўшимча варақсиз бўлган банк сертификатлари;

— чиқарилиши махсус йиртиб олинувчи қўшимча варақларда ёзиб борилувчи қўшимча варақли банк сертификатлари.

Ўз пулларини банк сертификатларига қўйган унинг эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

— қарз муддати тугагач, ўз пулларини қайтиб олиш:

— сертификат банк томонидан қайтиб сотиб олинганига қўшимча фоизли даромад олиш:

— муддатидан илгари ўзининг депозитга қўйилган пулини қайтариб олиш (агар бу ҳақда сертификат эмиссиясида айтилган бўлса:

— бошқа шахсга ўз сертификатини бериш.

Шунинг билан бирга айтиш жоизки, банк сертификатлари сотилган товарлар ёки бажарилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ёки тўлов воситаси бўлиб хизмат қила олмайди.

*1996 йил — Амир Темур йили*

# СОҲИБҚИРОН ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ



***Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Тошкент Давлат техника университетида «Амир Темур даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт» мавзуида илмий-назарий ва амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлардан ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида тадқиқот ишларини олиб бораётган олимларнинг маърузалар билан қатнашишлари шиддатли курашларга тўлиб-тошган аср руҳини, ўша давр кишиларини, айниқса соҳибқирон характерининг шаклланиш диалектикасини ёритиш имкониятларини янада кенгайтирди. Албатта бундай анжуманлардаги маърузалар, мулоқотлар салмоқли илмий ишларнинг хулосаларидан хабардор қилибгина қолмасдан, балки янги илмий йўналишларга ҳам йўл очиши табиийдир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Г. А. Пугаченкова «Амир Темур ва унинг давридаги меъморчилик», шу академиянинг мухбир аъзоси А. Муҳаммаджонов «Амир Темур — ўрта асрнинг буюк саркардаси», тарих фанлари номзоди Турғун Файзиев «Амир Темур авлодлари», филология фанлари номзоди, доцент Убайдулла Уватов «Ибн Арабшоҳ Амир Темур ҳазратлари ҳақида», санъатшунослик доктори, профессор Т.Б. Ғофурбеков «Амир Темур ва темурийлар даврида мусиқа санъати», ёзувчи ва тарихчи олим Маҳкам Маҳмуд «Амир Темур ва Чиғатой улуси» каби муҳим мавзуларда маърузалар қилишди. Биз анжуманда қатнашувчи тарихчи олимлар ва тарихий мавзуларда ижодий иш олиб бораётган ёзувчилар билан суҳбатлашиб, анжуман тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

**Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, шу академиянинг тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор.**

— Амир Темур таваллудининг 660 йиллигининг кенг миқёсда нишонланиши тадқиқотчиларга ўз масъулиятларини янада оширишни тақозо этмоқда. Ижтимоий фанларнинг турли соҳалари билан шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг бундай республика миқёсида илмий-назарий ва амалий анжуманларда жиддий тайёрланган ва далиллар билан асосланган маърузалари билан қатнашишлари ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, сиёсат, фан, маданият, санъатнинг ҳали очилмаган томонларини ёритиш имкониятларини кенгайтиради. Маълумки, Амир Темур улуғ давлат арбобигина эмас, моҳир саркарда сифатида ҳам шуҳрат қозонган, Соҳибқирон тузган қўшин унинг раҳбарлигида ўз замонасининг кучли армиясига айланган эди. Бу даражага эришиш учун Амир Темур машаққатли йўлни босиб ўтди. Ҳарбий тўқнашувларда олган айрим зарбаларини чуқур таҳлил қилди, аниқ режалар устида ишлади. Бу қўшинларнинг ҳарбий тўқнашувлардаги ғалабага эриша борганликлари, ғалабалар тарихий жараёнларнинг боришига кескин таъсир қилганлиги бу мавзуни ўрганишнинг аҳамиятини оширади. Анжуманга тавсия этилган маърузамда манбалар асосида бу даврда ишлатилган ҳарбий санъат услублари, қўшинлар тузилмаси ва уларнинг вазифаларига асосий эътибор қаратдим. Маърузада манбалар асосида тузилган ҳарбий санъат атамалари жадвали берилган. Бу даврда тўпланган катта ҳарбий билим ва тажриба жаҳоннинг бир қатор ҳарбий академияларида ўрганилади...

Бу анжуманда қатнашувчиларнинг бир қисми Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган илмий-назарий анжуманнинг иштирокчилари бўлган эдилар. Кўпларининг маъқул топилган маърузалари «Алломалар сарвари» номда илмий тўплам ҳолида нашр қилинган эди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу анжуманнинг энг салмоқли маърузаларини ҳам тўплам ҳолида чоп этиш мўлжалланмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

# МАРОҚЛИ ТАДБИР

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети Маданият саройининг кичик залида «Ўзбек миллий қадриятлари» илмий-тадқиқот марказининг «Темур империяси ва темурийлар даврида Туркистонда фан ва маданиятнинг ривожланиши» деб номланган навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда тарих фанлари доктори, профессор А.Аҳмедов «Темур ва темурийлар даврида фан, маданият ривожланиши Туркистон халқлари маънавий тараққиётининг муҳим босқичи», филология фанлари доктори А.Ҳайитметов «Темур ва темурийлар даврида Туркистон халқларининг адабиёти ва санъатининг ривожланиши», филология фанлари доктори О.Усмон «Темур ва мутасаввуфлар» мавзуларида маърузалар қилишди. Ҳар учала маърузанинг мазмун моҳиятидан Темур империяси даврида буюк соҳибқирон ўз даври адабиёт намояндаларининг ижодий мактаб яратишларида катта ҳисса қўшганлиги, тасаввуф оламида улуғ донишманд бўлганлиги ойдинлашди.

Даврага қозоғистонлик олимлар ҳам ташриф буюришди.

Зарина АЛИМОВА.

# ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Акмал Икромов тумани ҳокимлигининг мажлислар залида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази томонидан ташкил этилган буюк соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Уни «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раҳбари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов кириш сўзи билан очгач, экранда 1941 йили Амир Темур қабрининг очилиш жараёни муҳрланган ҳужжатли тасма жонланди. Йиғилганлар ушбу ҳужжатли фильм орқали Амир Темур томонидан бунёд этилган бебаҳо тарихий обидалар билан ҳам танишдилар.

Фалсафа фанлари номзоди Турғунбой Саксонов, филология фанлари номзоди, доцент Убайдулла Уватов, тарих фанлари номзодлари Турғун Файзиев, Наим Норқуловлар улуғ боболонимизнинг ҳаёти, унинг марказлашган давлатни вужудга келтиришдаги хизматлари, илм-фан ва маданиятни тараққий эттиришдаги роли, Темур даври обидаларининг маънавиятимизда тутган ўрни тўғрисида қизиқарли маърузалар қилишди.

Қизиқарли ўтган кеча охирида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъматжон Қулабдуллаев ижросида дилрабо қўшиқлар янгради.

Абдулла ТОЛИПОВ.

*Наврўз нашидаси*

# БАҲОРИЙ КАЙФИЯТДА

Собир Раҳимов туманидаги Белтепа даҳаси яқингинада бунёд этилиб, аҳоли эндигина ўз хонадонларига кўчиб келган бўлса-да, бу ердаги кишилар аҳил-баҳамжиҳат яшашмоқда.

Даҳадаги 26-кўп қаватли уйда яшовчи аҳоли Наврўз тантаналарини ўзгача шоду ҳуррамлик билан ўтказишди. Дастлаб аёллар ўзларининг нозик санъатларини ишга солишиб сумалак тайёрлашга киришишди. Турли хил баҳорий пишириқлар улашган қўни-қўшнилар бир-бирларини самимий табриклашди.

Таомлар шоҳи бўлмиш ош эса байрам дастурхонига файз киритди.

Ўйин-кулги, аския, болаларнинг шўх ўйинлари катталар завқига уланиб кетди. Таниқли сатирик актёр Шерали Ҳожиев «Мўтти»нинг ичакузди ҳангомалари билан катта-кичикни хурсанд қилди.

Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи кишиларнинг бундай баҳамжиҳат, самимий, аҳиллик билан ўтказган байрам тадбирлари барчанинг кўнглига баҳорий кайфият олиб кирди.

***

Шу тумандаги Чустий номли маҳалла ҳам асосан кўп қаватли, замонавий уйлардан иборат. Ушбу хонадонларда яшовчи барча кексаю ёш Наврўзи оламни нишонлаш учун бир оила аъзоларидек маҳалла гузарига тўпландилар. Шўх мусиқалар янграйди. Бу ерда ҳамма чеҳралар таниш! Ана, маҳалла йиғинларининг тадбиркор ташкилотчилари — Шуҳрат ака Толипов ва Мухтор ака Исматовлар ҳам одамлар орасида, юзларида бахтиёрлик акс этиб турибди.

Маҳалла кенгашининг раиси Фатхулла ака Назруллаев байрамни очиб, барчани муборакбод этди. Шундан сўнг шўх мусиқалар янграб, санъаткорлар шодиёнага ўзгача файз киритдилар. Дошқозонларда пиширилган Наврўз таомлари тарқатилди. Абжир-чаққон йигитлар хизматда, опа-сингил, ота-она, нуроний кексалар иззатда! Маҳалланинг ёшариш ва аҳиллик байрамидаги баҳорий кайфият хонадонларда ҳам давом этди.

Зарбуви АЛҚАРОВА,
Ферузабону ЗУФАРОВА.





*Наврўз шодиёналари ҳеч қачон санъаткорларсиз ўтмаган.*

*Рустам Шарипов ва Виктор Багаев олган суратлар.*

# МАҲАЛЛАДАГИ ШОДИЁНА

Юнусобод туманидаги «Янгиариқ» маҳалласида Наврўз байрами катта шодиёна билан ўтказилди. Эрталабданоқ гузардан янграган шўх мусиқалар бутун маҳалла аҳлини байрамга чорлади. Катта дошқозонларда тайёрланган сумалак, ҳалим ва ош тўкин дастурхон атрофида байрамона кайфиятда ўтирган маҳалладошларга тарқатилди.

Ушбу шодиёна маҳалладошларнинг аҳилиноқ, баҳамжиҳатлиги туфайли бекаму кўст уюштирилди. Тансиқ баҳор таомларига масаллиқлар ҳозирлаган сахсватли маҳалладошлар Жўрабой ва Абдулҳай акалар, тотли таомлар ҳозирлаган Кимсанбой ака, Дадахўжа ҳожи, Аҳмадхўжа акалар, Қумри ая каби пазандалар ҳаққига барча дуо қилди.

Маҳалла гузаридаги шодиёнага чиқиш имконияти бўлмаган ногирон ва беморлар, кексаларнинг уйларига ҳалим, сумалаклар тарқатилди.

Абдупаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖАЕВ,
кекса журналист.

# БЕМИННАТ ЁРДАМ

Ҳамма замонларда ҳам Наврўз умумхалқ байрами кезларида ўзаро меҳр-мурувватли бўлиш, муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, беморлар дардига малҳам бўлиш каби эзгу ишлар ҳам одат тусига кирган. Бу анъаналар бугунги кунда ҳам завол билмай келмоқда. Куни кеча ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан шаҳримиздаги тиббиёт муассасаларига беминнат мурувват ёрдами кўрсатилди. Жумладан, шаҳар қон қуйиш марказига 2000 дона, шаҳар онкология диспансерининг болалар бўлимига 1000 дона бир марта фойдаланиладиган танага дори юборувчи махсус мослама топширилди. Айни пайтда бундай тиббий жиҳозга талаб тобора ошиб бораётган эди. Бундан ташқари жамғарма томонидан 1- ва 2- гўдаклар уйларига 250 тадан сўргичли шиша идишлар, 1-туғруқхонага 38 та аёллар халати ҳам ҳадя қилинди.

Мажид РАИМОВ.

# ЯНГИ ДАСТУРДА

Тошкент ўқув ишлаб чиқариш корхонасида «Айёмингиз муборак бўлсин» деб номланган Наврўз байрами тадбири бўлиб ўтди. Тўкин дастурхон атрофида корхона ишчи ва хизматчилари баҳор таомларидан татиб кўрдилар. Кўзи ожизлар маданият саройида фаолият кўрсатаётган «Саховат» ашула ва рақс ҳамда «Гулнора» фольклор этнографик дасталари намойиш этган концерт дастурлари ҳақиқий байрам кайфиятини бера олди. Даста иштирокчиларидан Аҳрор Раҳмонов, Шарофат Тиллабоева, Фарид Нурмуҳаммедов, Исроил Ориповлар талқинидаги баҳор, Наврўз тараннум этилган куй ва қўшиқлар барчага манзур бўлди.

* * *

Мирзо Улуғбек туман маданият уйининг Собиржон Жумаев бошчилигидаги «Гулшан» ашула ва рақс дастаси ижодий жамоаси ҳам «Ўлкамизда баҳор нафаси» деб номланган янги дастур тайёрладилар. Оролмирзо Сафаров, Қаҳрамон Тўраев, Бахтиёр Худойберганов, Ҳакимжон Қодировлар ижросидаги баҳор тароналари шу кунларда туман маҳаллаларида бўлиб ўтаётган Наврўз шодиёналарида тақдим этилиб ҳақиқий байрамона кайфият улашмоқда. Айниқса дастурдан ўрин олган халқ оғзаки ижодиёти намуналари, қизлар рақс дастасининг мафтункор хиромлари барчага манзур бўлмоқда.

Салоҳиддин
СИРОЖИДДИНОВ.

# ҚУВОНЧЛАР

Сен қалбимга олам-олам қувонч, турфа гўзалликлар олиб келдинг. Қалбим интиқлик билан ҳар йилгидек сени орзиқиб кутди. Мен баҳорни соғиндим, унинг нафасини, шабадасини, эрта тонгда уфқ ортидан мўралаган қуёшнинг заррин нурларини, кўклам ёмғирларини, ёмғирдан сўнг гул япроқларига қўнган шабнамларни, кўм-кўк майсаларни, ариқ четларида бўйлаган ялпиз исларини жуда соғиндим.

Баҳор, беғуборлигинг ўзгача, сени тасвиринг олдида қалам ҳам ожиз. Мана, яна боғларим гул-чечакларга бурканди, шафтоли, ўрик қийғос гуллади. Гуллаган шохларда ўйнаган боларилларнинг ғув-ғувлаши, томма-том варрак учиришаётган болалар қувончи, барчаси кўзни қамаштиради.

Ана шу баҳор гўзаллиги мени бир нафасгина ширин хаёлларга етаклайди. Болалигимда қизалоқлар билан бештош ўйнаганим, чечаклар йиққаним ҳамон ёдимда. Кўклам кезлари маҳалла аёллари ҳовлиларда йиғилиб кўк сомса, лочира, хуллас биз болаларни кўклам таомлари билан сийлашарди. Бўғотларда мусичаларнинг ку-кулаши, қалдирғоч полапонларининг чуғурлаши, бари болаликдан, баҳордан ёдномa. Ҳар баҳор умр ўтган сари, ўтган умримни сарҳисоб этаман, ўтганларни ёд этаман. Азиз юртдошларим, мен сизларга сўнмас баҳорларни, боқий баҳорларни тилайман. Юртимиз осмони тинч бўлишини, баҳор нафаси сокин ва беғубор бўлишини, қуёшнинг заррин нурлари доимо сизларга нур сочиб туришини тилайман.

Мушарраф
АБДУРАҲМОНОВА.



*«Подъёмник» ҳиссадорлик жамияти оғир саноат корхоналари ичида рельсли кранлар ва оддий кранлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни таъмирлашда ягона корхона саналади. Жамоанинг кран йиғиш цехи асосий босқични бажаради. Йиғиш жараёнлари эса лойиҳа чизмаларига қараб туриб амалга оширилади.*

*СУРАТДА: бригада сардори Нурсафа Гизитдинов чилангар Григорий Шаталов билан мураккаб кран чизмасини кўздан кечиришмоқда.*

*Излаган имкон топади*

# ТОШКЕНТ КОШИНЛАРИ

***Ҳозирча республика бўйича қурилиш ашёларидан бири бўлган ташқи, ички ва полга жило берувчи силлиқ, нақшинкор ҳамда безакдор кошинлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган учта корхона бор. Бири Бухородаги Италиянинг «Сити» фирмаси ҳамкорлигида яратилган қўшма корхона, иккинчиси Ангрендаги қурилиш материаллари комбинати, учинчиси эса...***

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган Тошкент қурилиш материаллари комбинати бугунги кунда ўз олдига қўйган аниқ мақсадларини амалга оширишга астойдил киришган. Бозор иқтисодиётининг талаблари асосида ҳам янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳам ишчи-мутахассисларни доимий иш билан таъминлашга эришмоқда.

— Ҳамма куч-ғайратимизни бозор иқтисодиёти шароитида пайдо бўлаётган масалаларни ижобий ечишга сафарбар қилганмиз, — дейди корхона раҳбари Алишер Ҳайтанов. — Тўғри, муаммоларимиз йўқ эмас. Айниқса, цехларимиз дам олиш кунисиз, тўхтовсиз ишлагани учун ҳам электр энергия, табиий газ, сув каби ресурслар бизда кўп истеъмол қилинади. Топган даромадимизнинг 30 фоиздан ошиғини шуларнинг ўзига сарфлаяпмиз. Лекин ҳаёт бир ерда тўхтаб турмайди, ҳамиша ҳаракатда. Биз ҳам ўз навбатида имкон қидириб, фаолиятимизни бир кун у ёқда турсин, бир соатга ҳам тўхтатмаяпмиз.

**— Кошинлар тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар қаердан олинади ва қандай муаммолар туғдирмоқда?**

— Корхонамизнинг асосий учта цехи 5 турдаги ва кўринишдаги кошинлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Оддий кошин яратиш учун лойи, ишқори учун 5 хил, бўёғи учун эса 11 хил кимёвий ашёлар (ҳозирда кошин таркибига кирувчи ашёлар бундан ҳам ошиб кетган) зарур бўлади. Албатта буларни корхонага келтиришнинг ўзи бўлмаяпти. Ҳар бир корхона билан ўзаро шартномалар тузиб олганмиз. Масалан, Тожикистоннинг Исфара шаҳридан карбонат ангидрид стронций, Қозоғистоннинг Жамбул шаҳридан тошқол (шлак) келтириш учун мол айирбош қиламиз, яъни биз уларни кошинлар билан таъминлаб турамиз. Республикамиздаги Ангрен, Деҳқонобод, Лангар конларидан, Қизилтепадаги давлат «Аскамар» кичик корхонасидан, Тўйтепа кон бошқармасидан ўзимизга зарур бўлган бошқа ашёларни оламиз.

**— Кунига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилади?**

— Камида 2000 квадрат метр кошин ишлаб чиқарамиз (бунга сифатсизлари кирмайди). Корхонада жами 550 нафар ишчи-мутахассислар ишласа, тенг учга бўлиниб, ишни уч сменада ташкил этганмиз. Ҳозирда ўлчамлари 15Х15, 20Х20, 6Х25 сантиметрли кошинлар ишлаб чиқармоқдамиз. Улар ҳам уч турга бўлинади: силлиқ, бироз дағал ва поллар учун мўлжалланган бўёқсизлари. Булардан ташқари буюртмага қараб, гулли, безакли, манзара шакли бўлиб йиғиладиган турларини ҳам ишлаб чиқарамиз. Ҳозирда янги тури, яъни кўпчилик мижозларимизнинг таклифлари асосида оқ билан қора рангдаги кошинлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик.

**— Алишер ака, корхонада ишлаётган ишчи-мутахассисларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Дарвоқе, шуни алоҳида таъкидлашни истардим: бизда ишбай ҳақ тўланади. Ҳар ким қўшган улушига қараб маош олаверади. Бундан ташқари ишчилар учун тушлик бепул, йўлкира учун патталар берилади. Корхонамизда дам олиш уйи, болалар боғчаси, болалар дам олиш оромгоҳи мавжуд. Соғломлаштириш маскани қураяпмиз. Буларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, рўзғор учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар билан таъминлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Илғор ишчиларимизни доимий рағбатлантириш анъанамиз бўлиб қолган: маошларига 30-35 фоиз миқдорида мукофот, меҳнат таътилига чиққанларга иш стажига қараб ёрдам пуллари ажратамиз. Ўн учинчи, ўн тўртинчи маошлар, дегандек. Бизда меҳнат қилган асло кам бўлмайди, у ҳамиша қадрланади.

**— Италиянинг «Сити» фирмаси билан ҳамкорликда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинаётган экан...**

— Ўзбекистон Республикаси Қурилиш моллари ишлаб чиқариш бўйича давлат концернининг кўмаги билан «Сити» фирмасига 1 миллион 600 минг доллар ўтказилган. Ҳозирда 2-цехимиз ана шу «Сити» фирмасининг конвейер линияси учун тайёрланган. Яқин кунларда Италиядан линия дастгоҳлари ҳамда мутахассислари етиб келиши кутилмоқда. Шунда чет эл технологияси бўйича 20Х20, 20Х25 ўлчамли кошинлар ўзимиздаги мавжуд хом ашёдан сифатли ва кўркам қилиб яратилади. Ҳозирданоқ бу каби кошинларга қизиқиш катта.

**— Ички имкониятлардан ҳам унумли фойдаланилаяптими?**

— Яхши ёдга солдингиз. Биз мавжуд имкониятларимиз, хом ашёмиз ҳисобидан юқори даражали ўтга чидамли пишиқ ғиштлар, шлакоблоклар, турли хил бўёқлар, эшик-ромлар, энг муҳими, жаҳон андозалари даражасидаги мармарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Ҳозирда бу ишларни бошлаб юбориш арафасидамиз.

**— Корхона фидойилари билан ҳам таништирсангиз.**

— Бош технологимиз Таскира Миролимова, таъминот бўлими бошлиғи Абдуманноп Мақсудов, маркетинг бошқаруви бошлиғи Собиржон Соатовлар ҳамда моҳир ишчиларимиз етакчиси, 1-цех бошлиғи Таиса Лебедева, таъмирчи-чилангар А. Слюсарев, прессчи Ф. Мусина, силлиқловчи Ш. Мажидоваларни алоҳида тилга олиш мумкин. Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Зоир ТУРСУНОВ.

Мен иқтисодий жиҳатдан бадавлат, ками кўстсиз Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи ўзбек оиласиданман.

Она Ватан — бу калиманинг нақадар муқаддас ва азизлигини кўплаб алломалар, буюк шоирлар таърифлаганлар, лекин бу таърифлар қанчалик кўп бўлса ҳам шунча камдек туюлади. Ватан калимасининг олдига она калимасининг қўшиб айтилиши ҳам бежиз бўлмаса керак.

Бу Она Ватан туйғусининг нақадар муқаддаслигини, нақадар азизлигини юракдан ҳис қилган ҳар бир инсон ўз юртини муқаддас она каби эъзозлайди ва ўз ғурури деб билади.

Ўзбекистон мустақилликка эришди, бу халқимизнинг асрий армони эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўз элидан айрилиб чет мамлакатларда истиқлолни интизорлик билан кутиб яшаган ва ҳозирда яшаётган минглаб ўзбеклар, минглаб ватандошлар бу Ватан тупроғини бир бор бўлсада юзларига суртишни, ўз миллатининг ҳурриятга эришишларини, миллий-маданий қадриятларимизнинг тикланишини йиллаб, ойлаб эмас, балки кунлаб, соатлаб кутганлар. Бу кунларга етганлар бўлди, етмаганлар бўлди.

Менинг бобом раҳматли Ҳожи Нишонбой 1893 йилда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида таваллуд топганлар. Бобомлар орқали мен ўз она тилимни ўргандим, ўз миллатимни танидим, ўз миллий урф-одатларимизни ўргандим, ўз тарихимиздан хабардор бўлдим. Менинг ўз миллатим, ўз халқим, ўз Она Ватаним ҳақидаги олган барча маълумотларим ана шу

*Мустақиллигимиз — дахлсиз*

# ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

бобомлардан мерос қолган. У киши Ватандан айрилиб, бегона тупроқ бағрига қадам қўйди, ўз Ватанидан, ўз миллатидан айрилди. Бу айрилиқ уларга ўз фарзандларини Ватанни севиш, ўз тупроғига интилиш, ўзлигини, ўз миллий ўзбекона маданиятини сақлаб, эъзозлашга ундаган бўлса ажаб эмас.

Мен бобомлардан Ўзбекистон ҳақида эшитиб, юрагимда Ватанга бўлган буюк муҳаббат пайдо бўлди. Ёшлик давриданоқ Ватанимга бўлган интилиш, унинг тупроғига қадам қўйиш, бир ҳовуч тупроғини юзимга суртиш истаги менга тинчлик бермас эди. Оллоҳга шукроналар ва ҳамду санолар бўлсинким, Она Ватаним Ўзбекистон истиқлолга эришганлиги туфайли бобом қилган орзу ва васиятларини рўёбга чиқариш менга насиб қилди. Ваҳоланки мен инглиз, немис, форс тилларини мукаммал била туриб, Америка ёки Германия университетларида таълим олишга имконим, иқтисодий жиҳатдан қурбим етсада бобом ва бувим васиятларига ва Она Ватанга бўлган меҳрим, ташналигим ва садоқатим туфайли озод Ўзбекистондаги 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтига келиб таълим олишни устун деб билдим.

Сизларга маълумки, Саудия Арабистони Ислом динининг маркази ҳисобланади. Шу сабабли барча мусулмон давлатлардан мусулмонлар Ҳаж ёки Умра сафарига келсалар, уларнинг байроғи араб тупроғида ҳилпираб туради. Афсуски, илгарилари шу байроқлар орасида Ўзбекистон байроғи кўринмас, Ҳаж сафарига келган одамлар орасида эса ватандошимни учратмасдан жуда ўксинар эдим. Мустақиллик шарофати билан энди ҳар йили минглаб ватандошларимиз Ҳаж, Умра сафарларига боришмоқда. Саудия Арабистони осмонида Ўзбекистон байроғи кўтарилди. 1992 йилда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Саудия Арабистонига қадам ранжида қилдилар. Президентимизнинг бу ташрифлари ўша заминдаги барча ватандошларимиз қалбида ўчмас бир тарихий санага айланиб қолди. Чунки бу тарихий воқеанинг шоҳиди бўлган минглаб ўзбеклар ўз миллатидан Президент сайланганлигини, ўз Ватанларининг ҳурриятга эришганлигини кўзлари билан кўриб, яратганнинг марҳаматидан жуда хурсанд бўлдилар, чунки бу хурсандчилик минглаб ўзбекларнинг армони эди.

Мен ҳозирги кунда 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил олаяпман. Мен бу ерда бир нарсанинг шоҳиди бўлдимки, юртдошларимиз тиббиёт соҳасида жуда юксак ютуқларга эришган эканлар. Бу институтда жуда яхши билимли устозлар борлигининг шоҳиди бўлдим.

Ҳозирги кунда раҳбариятимиз, айниқса юртбошимизнинг ҳар соҳада олиб бораётган оқилона, одилона сиёсатлари, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишорадир. Сўнгги вақтда Россия коммунистлари томонидан ўртага ташланаётган собиқ СССРни қайта тиклаш ғояси бутун жаҳон матбуот диққат марказида турибди. Бу масалага биз қандай қарашимиз, нима деб жавоб беришимиз керак?

Шахсан менинг фикримча бу Ўзбекистон учун мутлақо тўғри келмайди. Биз тарих ғилдирагини орқага қайтаришга уринишларга қаршимиз. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қаттиқ сақлаган ҳолда фақат олдинга қараб одим отаверади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўз мустақил сиёсатига эга бўлган ҳолда, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида деярли 150 дан ортиқ мамлакат билан турли хил алоқаларни олиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бир овоздан қабул қилинди ва бошқа турли хил халқаро ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Оллоҳ таолонинг буюк неъматларидан бири бўлмиш озодлик, ҳуррият, мустақилликни ҳамиша эъзозлашимиз керак. Бу озодлик учун жуда кўп халқлар қон кечиб курашганлар, бу жараён ҳозир ҳам давом этаяпти.

Юртимизда тинчлик, барқарорлик, осойишталик Оллоҳ таолонинг бизга берган неъматларидан биридир. Бу юртбошимизнинг олиб бораётган одилона ва оқилона сиёсатларининг самарасидир.

Ўзбек халқи курраи заминининг қайси бурчагида бўлишидан қатъи назар тинчлик, осойишталик, дўстлик, ҳамкорлик тарафдоридир. Лекин Ўзбекистоннинг мустақиллигига, озодлигимиз, ҳурриятимиз ва эркинлигимизга қарши қаратилган сиёсатни, тажовузларни қоралаймиз.

Ўзбек халқи азалдан ўзига бек бўлиб келган ва ўзига бек бўлиб қолади.

Муҳаммад Исҳоқ Вали
ҲОЖИНИШОНБОЙ ўғли.
1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 3-курс толиби.



*Илиқ табассум баҳорнинг илиқ кунларидек ёқимли.*
*Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.*

*Дилкаш суҳбатлар*

# «БОЛАЛИГИМДА РАҚҚОСА БЎЛАМАН ДЕРДИМ»

***Ҳеч пайқаганмисиз, жажжигина қизалоғингиз ё набирангиз ойна олдида ўзига оро берган бўлиб, бир нарсаларни тушунтиряпти, ўзининг хатти-ҳаракатларини кузатиб, кимгадир ўхшамоқчи. Ёдингизга тушдими... Қизи тушмагур буни қаердан ўргана қолди экан-а?! Нигоҳи ҳам танишдек. Э, ҳа, кечагина Насиба Мақсудова телевизорга чиққан эди-ку. Опанинг ҳаракатлари... Ширин забон, истарали сухандон, самимий, қадрдон Насиба Мақсудова билан бўлган суҳбатимизга шу баҳона сабаб бўлди.***

**— Насиба опа, «Оқшом» муштарийлари сизнинг қандай оилада улғайганингиз билан қизиқишлари табиий.**

— Бундан қирқ етти йил муқаддам Тошкентдаги Маҳсидўзлар маҳалласида туғилганман. Отам раҳматли Шомурод Мақсудов ва девор-дармиён яшовчи тўрт амакимнинг ҳаммалари тиббиёт фанлари доктори, профессор эдилар.

**— Эҳ-ҳе...**

— Ҳайратланманг. Мақсудовлар сулоласида икки юздан ортиқ тиббиёт ходимлари бор. Фанлар академиясининг шу соҳа мухбир аъзолари, фан докторлари талай. Фан номзодларининг ўзи қирққа яқин.

**— Отангиз ҳақида илиқ гапларни жуда кўп эшитганмиз.**

— Жуда шинаванда одам эдилар раҳматли. Хушчақчақ, гапдон, ҳар бир ҳаракатингиздан беғараз кулгу топа олардилар. Ишкомлар, мевали дарахтлар билан соя-салқин боғимизга ёзувчи Ойбек, шоир Пўлат Мўмин, Қуддус Муҳаммадий, ҳофизлар Комилжон Отаниёзов, Карим Зокиров, раққоса Мукаррама Турғунбоева, Омина Фаёзова, Саттор Ярашев сингари адабиёт ва санъат дарғалари тез-тез келиб туришарди. Сўридаги дилкаш суҳбатлар болалик хотирамдан ҳамон ўчгани йўқ.

**— Дарвоқе, болалигингиз ҳақида икки оғиз...**

— Ишонасизми, мен қўғирчоқ ўйнамаганман. Ўғил болалар билан ёнғоқ, чиллак, зувилдоқ ўйнардим, коньки учардим, кўчалардаги машиналарга осилардим. Мени қидирган девор устидан топарди. Худо асраган экан-а... Ҳозир эсласам... Аммо аъло баҳоларга ўқиганим, уйдаги овқат пишириш, кир ювиш, умуман уй юмушларини ҳам бажаришга улгурганим учунми уйдагилар кўп тергамасдилар, деёлмайман, ўрни келганда яхшигина гап ҳам эшитардим. Болалигимда раққоса бўламан дердим.

**— Насиба опа, болалигимнинг беғубор дамларини эсласам сиз ҳам кўз олдимда турасиз. Биз «Бойчечак» кўрсатувида сиз айтган эртакларни тинглаб улғайганмиз. «Ғунчаой» эса ҳамон хотирамда...**

— Табиатан жуда болажонман. Болалар орасига кирсам бирпасда болага айланаман. «Бойчечак» кўрсатувида қўғирчоқлар билан суҳбатлашардим. Юз-кўзида ҳеч бир маъно йўқ «одам» билан дилдан суҳбатлашишни тасаввур қилинг. «Ғунчаой»га келсак бу, 1959-1960 йиллар эди. Ойим менга оқ крепдешиндан этакларини кенг қилиб кўйлак тикиб бердилар. Ғайрат ака деган режиссёр ёрдамчиси ғунча шаклидаги қолипни ушлаб турардилар. Мен ўша кўйлагимда ғунча бўлиб очилардим. Кўрсатув тугаб, Биларжон, Билмасвой билан хайрлашиб ғунча ичига кириб бекинардим. Йиллар ўтиб Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатдим. 1967 йили сухандонлар кўрик-танловидан муваффақиятли ўтганимдан сўнг сухандон бўлиб ишлай бошладим.

**— Аввал «Ассалом, Ўзбекистон» тонгги дастурини олиб борар эдингиз, кейинчалик кўрсатув сўнггида муаллиф ҳам ўзингиз эканлигини билдик...**

— Бундан анча йил илгари Финляндияда бўлганимда телевидение ижодкорлари иши билан танишишга муяссар бўлдим. Фин телевидениесида сухандон



йўқ, ҳар бир кўрсатувларни кўрсатув муаллифи, яъни журналистлар олиб борар экан. Ўз кўрсатувлари билан томошабинлар қалбидан ўрин олган сухандон-шарҳловчиларни кўриб, менда ҳам шу услубни жорий этиш фикри туғилди.

**— Бир нарса сиз учун сал оғриқли бўлса-да айтиб ўтай. Бизнинг телевидение баъзи сухандон бошловчиларида томошабин юрагига кириб бориш етишмайди. Қандайдир ҳадиксираш кучли. Сал бежо ҳаракат қилиб қўймай деган фикр ўзларини тутишлариданоқ билиниб туради.**

— Бу кўрсатувларни зерикарли бир ҳолатга келтиради. Сабаби кўрсатувни тайёрлаган бир четда қолиб, мавзу билан мутлақо таниш бўлмаган одамнинг олиб бораётганлигидир. Сўзларни қуруқ ёдлаш билан иш битармиди? Ҳамма гап сухандонларимизнинг ижоддан четда қолаётганлигида. Синчков томошабинларимиздан келаётган мактубларни ўқиганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ҳозир телевидениеда қалами ўткир, овози ширали журналистлар келиб ижод қилаяптилар. Мураккаб кўрсатувлардан бири «Ахборот»ни олиб борувчи журналистларнинг «Телесуфлер»дан санъаткорона фойдаланиши ҳам уларнинг яна бир қирралари, яъни янгиликка интилиш, кўрсатувни жонлантириш учун қилаётган ҳаракатларидир. Бу ҳол кўрсатувларни журналистлар олиб бориши керак деган хулосага келишга ундайди. Телевидениеда ижодкорлар деярли барча кўрсатувларни Муслим Йўлдошев олиб борса деб режалаштиради. Бундай ишончга Муслим Йўлдошев ўз-ўзидан эришгани йўқ. У кўп мутолаа қилади, синчков, кузатувчан ва ўз касбини севади. Ҳар бир соҳа мутахассиси билан бемалол гаплашиб, баҳслаша олиши шундан. Севара Турсунованинг «Ҳафтанома» кўрсатувини олиб бориши билан уни тайёрлашдаги ижоди мухлислар эътиборини, меҳрини қозонди. Менимча сухандонликка қабул қилинаётганда талабгорнинг бирор бир хорижий тилни билиши, репортажлар тайёрлай олишига эътибор бериш керак. Телевидение журналистида нутқ маданияти юқори бўлиши, овози равон, ширали бўлиши керак.

**— Энди ишдан бироз чекинсак. Турмуш ўртоғингиз нима иш қиладилар? Сизни тушунадиларми?**

— Умр йўлдошим Аноридлин Аминов Тошкент Давлат техника университетида кафедра мудири бўлиб ишлайдилар. Қизим Барно шифокор-гинеколог, оилали, шириндан-шакар набирам бор. Ўғлим Отабек тиббиёт институтида, қизим Гўзалхон жаҳон тиллари университетида ўқийди.

**— Оқшомхонларга тилакларингиз.**

— «Оқшом» элнинг энг севимли нашри бўлиб қолаверсин. Уни қидирганлар бундан-да кўпайсин.

Суҳбатдош
Гулжаҳон МАРДОНОВА.

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган навбатдаги Жаҳон саломатлик куни «Соғлом шаҳарлар» шиори остида ўтади. Бундай ўзига хос тадбирнинг моҳияти хусусида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг Ўзбекистондаги вакили Руфат ЯНСУПОВ билан суҳбатлашдик.***

**— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси навбатдаги саломатлик кунини нима сабабдан айнан «Соғлом шаҳарлар» шиори остида ўтказадиган бўлди?**

— 1990 йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори Хироши Накажима дунёда 600 миллиондан ортиқ киши ҳар томонлама ноқулай аҳволда яшаётгани, яъни турар жой шароити, овқатланиши, маиший қулайликлари талаб даражасида эмаслигини, бунинг оқибати турли касалликларнинг авж олишига сабаб бўлаётганини ачиниш билан таъкидлаган эди. Ушбу ташкилотнинг фаолияти бутун жаҳонни қамраган бўлса-да йиллар ўтиши билан мазкур муаммо хавфи кучайса кучайдики, лекин камаймади. Шунга кўра ташкилотнинг Европа минтақавий бюроси «Соғлом шаҳарлар» лойиҳасини ишлаб чиқди ва уни амалга татбиқ этиш учун тавсия этди. Зеро, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, инсон ҳаётида рўй берадиган фожиалар, хусусан бахтсиз ҳодисалар. СПИД, гиёҳвандлик, юқумли хасталикларга чалиниш, жиноятчилик кабилар яшаш шароитининг носоғломлигидан келиб чиқар экан. Шунга кўра мазкур лойиҳа жаҳон афкор оммаси томонидан муносиб қабул қилинди. Бугунги кунда Европанинг 1000 га яқин катта ва кичик шаҳарлари «Соғлом шаҳарлар» лойиҳасини амалда қўлламоқда.

**— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вакили сифатида соғлом шаҳар ҳақидаги фикрингиз қандай? Қандай шаҳарни соғлом шаҳар дейиш мумкин?**

— Соғлом шаҳар деганда шаҳар фуқароларининг фақат тиббий нуқтаи назардан соғломлигини тушунмаслик керак. Тўлақонли соғлом шаҳар талаблари сифатида Европа минтақавий бюроси ўз лойиҳасида 10 қисмдан иборат иш режасини тузиб чиққан. Шулардан бири атроф-муҳит, хусусан ҳаво, ичимлик суви кабиларнинг тозалик даражасидир. Айни пайтда бир кунда дунё миқёсида шаҳарлар 100 минг тонна чиқиндини чиқариб ташлайди. Бу чиқиндиларни қайта ишлаб, улардан фойдаланишга улгурмайди ҳам. Демак, шаҳарлар тобора ифлосланиб бормоқда. Бу масала йирик саноат корхоналарининг транспорт воситаларининг ҳавони ифлослантираётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Соғлом шаҳар барпо этиш талабларидан яна бири, менинг фикримча, асосийси, одамларнинг маънавий соғломлигидир. Бу масалада оилавий муҳит назарда тутилади. Оилавий муҳит носоғлом, яъни болаларнинг отасиз ёки онасиз ўсиши, катталарнинг ичкилик, гиёвандликка ружу қўйиши, ажралишлар каби салбий ҳолатлар учрайдиган оилалар яшовчи шаҳар ҳам носоғлом шаҳар саналади. Чунки бундай му-

*7 апрель — Жаҳон саломатлик куни*

# «СОҒЛОМ ШАҲАР» НИМА ДЕГАНИ?

ҳит жамият учун хатарли бўлган жиноятчилик билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари сўнгги йилларда шаҳарларда аҳоли сони тобора кўпаймоқда. Бу эса ишсизликнинг кўпайишига, озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги ва сифатсизлигига олиб келади. Ана шу муаммолардан холи бўлган шаҳарни соғлом шаҳар дейиш мумкин. Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Жаҳон банки ҳамда Меҳнатни ташкил этиш халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шу йилнинг июнь ойида ушбу нуфузли ташкилотларнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.

**— Бугунги кунда дунёдаги қайси шаҳар «Соғлом шаҳар» номига даъвогарлик қила олади?**

— Бу масалада ҳозирча барча талабларга тўла жавоб берувчи, намунали шаҳар номини келтириш қийин. Лекин нисбатан айтадиган бўлсак бу борада кўзга кўринган 35 шаҳар ичидан Даниянинг пойтахти Копенгаген шаҳрини айтиш мумкин. Ўзим ҳам Копенгагенда бўлганман ва бу ердаги ҳар томонлама соғломлик одамларнинг юксак маънавият эгаси эканлиги билан боғлиқлигини сезганман. Шаҳарликларнинг бир-бирига бўлган илиқ муносабатлари, таниш ёки нотанишлигидан қатъи назар ўзаро саломлашиши, ҳеч ким бўлмаган ярим тунда ҳам шаҳар кўчаларида транспортларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиши, ҳавони ифлослантирмаслик учун аҳолининг катта қисми велосипедларда ишга бориб келиши мени ҳайратда қолдирган.

**— Маълумки, пойтахтимиз Тошкент сўнгги пайтларда барча соҳаларда туб ўзгаришларни бошидан кечирмоқда, унинг қиёфаси тобора янгиланиб бораётир. Ана шу жараёнларда биз сўз юритган соғлом шаҳар талабларининг аломатларини кузатиш мумкинми?**

— Албатта. Тошкент жуда катта шаҳар, унинг ўзига хос муаммолари, ўзига хос талаблари бор. Ана шу жиҳатлари учун Марказий Осиёдаги бирорта йирик шаҳар Тошкент билан тенглаша олмайди. Сўнгги пайтларда пойтахт қиёфасининг ўзгариб бораётгани, хусусан Эски шаҳар ҳудудидаги эски, яшаш учун ноқулай уйлар ўрнига ҳар томонлама қулай ва шинам турар жойлар қурилаётгани ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда чиқарган пойтахт аҳолисини уй-жой билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги Фармони, шаҳар транспорт воситаларининг ҳавони нисбатан камроқ заҳарловчи хорижий машиналар билан алмаштирилаётгани кабиларнинг барчаси битта мақсад — одамларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган. Авваллари бирор жой бузилиши керак бўлса, бу ерда ҳеч нима қолдирилмай текислаб қўйиларди. Эндиликда эса шуни кузатмоқдаманки, бундай ҳолларда бузилиши керак бўлган биногина бузилмоқда, унинг ён-атрофидаги дарахтлар, ариқларга эса тегилмаяпти. Демак, одамлар ҳар қандай шароитда ҳам табиатга зарар етказмаслик кераклигини тушунишди. Бинобарин «Соғлом шаҳар» талаблари бир мақсадга қаратилган бир қанча ишлар мажмуидан иборат. Қолаверса бу борада Тошкентда ҳали ечимталаб муаммолар етарли. Лекин шундай бўлса ҳам Тошкентда «Соғлом шаҳарлар» лойиҳасини қўллашга ҳамма шароит бор. Бунинг учун иқтисодий, ижтимоий, маънавий омиллар етарли даражада мавжуд.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди.

*Назм чечаклари*

# СЕНИНГ ХАЁЛИНГ-ЛА ЯШАЙМАН

*Сен менинг бахтимми ёки кулфатим,*
*Гоҳида шодлик, гоҳ ғам улфатим.*
*Сенинг хаёлинг-ла яшайман энди,*
*Тугаб бўлгунича ерда муҳлатим.*
***
*Соғиндингми дема, соғиниш гапми,*
*Сени соғинмаган юрак юракми?*
*Муҳаббат мен учун яшаш демакдир,*
*Ахир сенсиз менга ҳаёт керакми?*
***
*Тўғри, жоним, сенга бахт беролмайман,*
*Боймасман, олтиндан тахт*
*беролмайман.*
*Ҳаёт деганлари шошқин бир дарё,*
*Кутиб тургил дея вақт беролмайман.*
***
*Сен мени алдама, тўғрисини айт,*
*Ҳаттоки бошингга қилич келган пайт.*
*Ҳақиқат аълодир ширин ёлғондан,*
*Манзили жар бўлган алдовлардан қайт.*
***
*Қанча азоб берсанг шунча суяман,*
*Қанча ғазаб қилсанг шунча суяман.*
*Севганнинг қадрига етмоқ ҳам*
*савоб,*
*Қанча савоб қилсанг, шунча суяман.*
***
*Худодан ўтиниб васлинг тиларман,*
*Хаёлингни эмас, аслинг тиларман.*
*Умринг баҳорида кўрмадим сени,*
*Энди оловдай ёз фаслинг тиларман.*
***
*Юракка қулоқ тут, алдамас*
*юрак,*
*Ақлнинг сўзини англамас юрак.*
*Лекин бахт калити унинг*
*қўлида,*
*Ҳеч қачон хиёнат айламас юрак.*
***
*Мен доно эмасман, нодонман,*
*нодон.*
*Ширин хаёлларни қўймайман*
*ҳамон.*
*Сен мендан қутулмоқ*
*пайидасану,*
*Мен-чи интиламан доим сен*
*томон.*
***
*Табиб табиб эмас, дард чеккан табиб,*
*Буни англаяпман мен сени таниб.*
*Ҳаттоки, номингни эшитиб қолсам,*
*Бутун вужуд, қалбим кетар ўртаниб.*

Туроб НИЁЗ.




Бу гап меники эмас, эрамиздан аввал яшаган юнонларнинг театр ҳақидаги фикридир. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асарида театр ҳақида Мирзакаримбой шундай дейди: «У куни театрга тушдим. Гап, гап, бошқа ҳеч нарса йўқ». Бойнинг шундай дейишига ким ишонади? Тарихдан маълумки, санъат ва маданиятга авваламбор бой-бадавлат кишилар асос солишган. Унинг ривожланиши учун қўлларидан келганча ёрдамларини аяшмаган. Илк томошани ўзлари кўриб, ёқса бошқаларни таклиф этишган. Шўро замони бой ва йўқсил халқни бир-бирига муросасиз қилиб қўйганди. Санъат ва маданиятнинг тарбия, маънавият асоси эканлигини халқимиз азалдан яхши билган. Адабиёт ва санъат ҳаётнинг қўш қаноти ҳисоблаб келинган доим.

«Оқшом»нинг 18 март сонида эълон қилинган «Муқаддас остонани ҳатланг» мақоласини ўқиб ўйга толдим. Ҳамза но-

*Акс садо*

# ТЕАТР—ТАРБИЯ МАСКАНИ



мидаги ўзбек Давлат академик драма театримиз тарбия маскани бўлиб, бир неча йилдан бери хизмат қилиб келаётир. Бу муқаддас даргоҳда фидойи санъаткорлардан Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Саъди Табибуллаев, Олим Хўжаев, Жўра Тожиев кабилар ишлашган. Мухлислар ўзлари ёқтирган томоша ва санъаткорни кўргани боришарди. Нафақат Ҳамза театри, Муқимий театри-чи? Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Маҳмуджон Ғофуров, Лутфихон ая Саримсоқова, Эътибор Жалилова, Фароғат Раҳматоваларни ҳам жуда севишарди. Сабаби, улар халқ ёқтирган қўшиқлар, қизиқарли томошалар («Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин») билан чиқишарди. Театрларда ҳали ҳам устозлар таълимини олган шогирдлар борлигидан мамнунмиз.

Мақола муаллифи «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома» томошасини тилга олибди. Бу асарни ҳаммамизга таниш қўшиқчи шоир ва драматургия жанридан дадил бораётган Ҳайдар Муҳаммад ёзган. У айрим оила можароси пул билан ўлчаниши, шунга тақалиши оқибатида одамийлик, севги ва вафо унутилиб юборилишини рўй-рост ҳатжга олган. Асар шу кунларда энг долзарб, ҳозиржавоб мавзуга эгалиги кун сайин маълум бўляпти. Шу воқеа асар ёзилмасдан халқ орасида ривоятга ўхшаб юрарди. Ҳайдар Муҳаммад айнан шуни усталик билан қаламга олган.

Катта театр саҳнасида биринчи марта асари қўйилаётган Ҳайитмат Расул (Ҳайитмат Абдурасулов)нинг «Муҳаббат султони» ҳақида атрофлича фикр билдириши ҳам яхши бўлибди. Ҳайитмат Расул асли шоир, кейинчалик шеърий драматик асарлар жанрига ўтган истеъдодли қаламкашлардан. Тушунчаси кенг, фикри тиниқ. Санъат институтида актёрлик факультетини тамомлаган. Ҳамза театрида ишни актёрликдан бошлаганди. Ижод ва саҳна сирларини яхши билади. Бундан чорак аср чамаси «Замон мажнунлари»ни ёзмоқчиман, мажнун кимлигини асаримда ёритмоқчиман», деб дастлабки ижод намуналаридан ёд айтиб бериб, мени ниҳоятда хурсанд этганди. Шукрлар бўлсинки, асар ниҳоясига етиб, саҳнада муваффақиятли ўйналмоқда. Мажнун ва Лайли қиёфалари халқ достонлари, афсоналари ва Навоий асарлари ғояларига анча мос тушганлигини сезиш мумкин.

Ҳа, театр — тарбия маскани, халқимиз турмуш ташвишларидан ҳориб қолган кезларда санъат, адабиёт, турли хил ўйин-томошалар уларни йўлга солиб турган, оғирини енгил қилган. Тирикчилик ҳам керак, шу билан бир қаторда «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деганларидек, ишдан сўнг томошалар кўриб, руҳни, кайфиятни кўтариб юришга, бегард, бедард яшашга нима етсин!

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг аъзоси.

*Зеболик сирлари*

# ЮЗИНГИЗ ТЕРИСИ МАЙИНМИ?

**Оддий юз териси.**

Оддий юз териси эластик, силлиқ ҳолатда бўлиб, ҳатто совун билан ювганда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди. Бунда соч яхши таралади ва жилоланиб туради. Бунга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз қоғоз салфетка билан юзни артиб кўришингиз мумкин. Унда ёғ доғлари қолмаган бўлади. Рисоладаги юз териси ҳеч қандай парваришга муҳтож эмас. Тозаликка риоя қилинса кифоя.

**Қуруқ юз териси.**

Қуруқ юз териси жуда юпқа бўлиб, қуруқшаб, баъзан шўралаб қолади. Ҳатто совунсиз ювилганда ҳам юз териси тиришиб туради. Соч эса қуруқ, ёғсиз бўлади ва синиб тўкилади. Бундай одамларнинг ёши улғайган сайин юзидаги ажинлари кўпаяди. Шунинг учун улар дармондорили маскалардан фойдалансалар яхши натижа беради.

**Ёғли юз териси.**

Ҳаддан зиёд ёғли тери тез кирланади. Бундай терини совунлаб ювиш мақсадга мувофиқ. Шунда теридаги ёғли кирлар кетиб, юз гўзаллашади. Бундай терига ҳар хил кремлар суртишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун тез-тез совунлаб ювиш тавсия қилинади.

Гулноз АҲМАДЖОНОВА.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

